

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Jakbaraliyev Ulug'bek Nodirbek o'g'li

Ichki Ishlar vazirligi Akdademiyasi 2-bosqich kursanti

Таълим-тарбия барча даврларда ҳам инсоният олдида ҳал этилиши зарур бўлган энг муҳим долзарб вазифалардан бири бўлиб келган. Шунингдек, таълим-тарбия одамларнинг амал қилиб келаётган тажрибалари, ютуқлари, урф-одатлари ва анъаналари асосида ташкил қилинган. Бизнинг фарзандлар тарбиясига доир шакланган кўплаб урф-одатларимиз, боқий анъана ва қадриятларимиз мавжуд.

Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, она тили, оила, маҳалла, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар ёш авлод таълим-тарбиясининг яхлит тизими таҳлили, энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Тарихий меросимизни замонавий методология асосида ўрганиш, ёш олимларнинг буткул янги илмий мактабларини шакллантириш, ўқувчи ва талаба ёшлар учун илмий, илмий-оммабоп ва информацион характердаги адабиётларни кўпайтириш маънавий бойликларимизни бойитишда, педагогиканинг шахсни ривожлантиришга йўналтирилган ғоясини ёшлар онгига сингдиришда муҳим натижаларга эришилади.

Маънавий ҳаётимизни юксалтиришда азалдан ўзбек, қорақалпоқ маҳаллалари билан овулларида чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзини-ўзи бошқаришнинг миллий модели – маҳаллада халқимизнинг азалий удумлари, урфодатлари ва анъаналарига таянган ҳолда улкан тарбиявий вазифалар бажарилади, кексаларнинг панд-насихати, катталарнинг шахсий ибрати билан жамоа ҳамжиҳатлиги мисолида одамлар онгига эзгулик ғоялари сингдириб борилади. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳотида шакланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллаган. “Маҳалла — ҳам ота, ҳам она” деган ҳикматли ақл ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси ҳисобланади.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари, тарбиявий урф-одат, анъаналарига муносабати биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва

дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир.

Биринчи Президентимиз И.Каримов: “бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди, деган фикрни олға суради ва якунида ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир“ деган хулоса чиқаради. Оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади.

Маънавият инсоннинг қон-қони, суяк-суягига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аждодлар ўғити, Ватан туйғуси, бу ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан қатра-қатра бўлиб сингиб боради. Айниқса, табиатда, одамларга яқинлик, доимо яхшиликни ўйлаб яшаш, ҳалол меҳнат қилиш, дунёнинг тенгсиз неъмат ва гўзалликларидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озик беради, уни янада кучайтиради.

Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини халқаро жамоат чилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиқ қани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улўф алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Миллий меросимизнинг ғоявий негизи-шахс тарбияси, унинг маънавий эҳтиёжларига даъвогар бўлган омилларни ўрганишдан иборат бўлиб келган, ушбу муаммо ҳозирда ҳам жамиятимизда олиб борилаётган сиёсатда энг муҳим масалалардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Аждодларимизнинг яратувчанлиги шахс манфаатларига қаратилган бўлса, айтилган вақтда мустақил давлатимизда амалга оширилаётган барча янгиликлар ҳам инсон келажаги учун хизмат қилиши кузатилган. Замонавий таълим-тарбия тизими ва миллий мерос асосидаги ғоявий уйғунлик, таълим-тарбия жараёнида миллий мероснинг маънавий-маърифий заминларига таяниш зарурлигини ҳам англатади. Шу жиҳатдан олиб қараганда ўтмиш алломалари, мутафаккирларининг мақсади таълим - тарбиядангина иборат эмас, балки бир-бирига боғлиқ, бўлган купгина ҳаётий босқичларини ўз ичига олади.

Аждодларимиз таълим-тарбияда инсон шахси унинг хусусиятларини ҳисобга олиб иш кўрганлар. Буюк ахлоқшунос олим, қомусий билим эгаси Абу Наср Форобий: таълим-тарбия ишини бошлашдан аввал тарбияланувчиларнинг шахсий хислатларини ўрганиш лозим. Аллома ўзининг “Бахт-саодатга эришув тўғрисида” асаарида билимларни

Ўрганиш тартиби ҳақида фикр баён этади. Форобий таълимотида инсон таълим ёрдамида барча фанларни пухта ўзлаштириш билан маънавий-ахлоқий фазилатларга, одоб меъёрлари ва касб-хунарга оид малакаларга эга бўлади.

Форобий таълим-тарбияга биринчи марта таъриф берган мутафаккир саналади. Таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш, тарбия инсоний фазилатни ҳамда маълум хунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулк нормаларини ва амалий малакаларни ўргатишдир, - дейди олим.

Шарқ уйғониш даври алломалари ҳам инсон ахлоқи, ёшлар тарбияси масаласига оид кўп иш олиб борганлар. Алломаларнинг ижодий фаолияти, бой маънавияти туфайли миллий тарбия тизимининг асослари вужудга келди. Биз миллий таълимтарбия жараёнида Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Юсуф Ҳамадоний, Имоми Аъзам каби жаҳонга машҳур алломаларимизнинг тарбия-тарбия, ахлоқ-одоб, панднасихатларга доир ўлмас фикр-мулоҳазаларидан самарали фойдаланишимиз керак.

Миллий урф-одатларимизда инсонга, кексаларга, устоз-мураббийга, меҳмонга, маънавий меросга хурмат ва эҳтиром энг яхши фазилатлар ҳисобланган. Негаки, дунёнинг ҳамма ишлари ҳақиқат томонга юришдир. Халқимиздаги “Агар яхшилик қилиш кўлингдан келмаса, ёмонлик ҳам килма”, деган нақл жавонмардликдан бизга мерос ҳисобланади. Аждодларимизнинг мана шундай инсонийликка йўғрилган саъйҳаракатларига ихлосманд бўлиш бугунги даврнинг ҳаётий эҳтиёжидир. Маданиятимиз пойдевори бўлган аждодларимизнинг тарихий меросига ихлосманд бўлиш, уни ўрганиш илмий жихатдан катта аҳамият касб этиб, халқимиз яратган маънавий хазинадан баҳраманд бўлишда, ижтимоий- сиёсий муаммоларни ҳал қилишда ва инсоннинг ҳар томонлама камол топишида муҳим ўрин тутди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг мазмун-моҳияти ҳам миллий турмуш тарзимиз ва маънавий-ахлоқий анъаналаримиз билан боғлиқдир. Ана шу анъаналар, таълим соҳасидаги маърифий мероснинг ҳаётбахш неъматларини тарбиянинг замонавий усулларига сингдириш лозим. Чунки, комил инсонни замонавий таълим талабларидан четда туриб шакллантириб бўлмайди. Концепция ана шу ҳикматга ҳамоҳанг бўлиб, унда фарзандларимизда миллий юксалишимиз учун энг зарур фазилатлар: Ватанга садоқат, тadbиркорлик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик болалиқдан бошлаб босқичмабосқич ривожлантириб борилади. Вояга етган ўғил-қизларимиз мустақил ҳаётга ана шу фазилатлари билан кириб борадилар. Бу фазилатлари уларнинг ўзларини ҳам, халқимизни ҳам бахтли, фаровон қилади.

1 Ф.Жуманова, С.Авазова, Г.Жобборова, У.Хуснетдинов. Умумий педагогика асослари. Тошкент (Чирчиқ), 2020.-Б.299.

2 Каримов И.А. «Юксак маънавият-енгилмас куч» Т.2008.56 бет

